


Эпидемия сабаб ёпилган «Токио» масжиди қайта очилди



08:04 / 13.03.2021 1412

Японияда коронавирус эпидемияси сабаб ёпилган «Токио» масжиди 10 ҳафтадан сўнг қайта очилди ва биринчи жума намози жамоат билан адо этилди. Бу ҳақда TRT янгиликлар бўлимига таяниб, iqna.ir манбаси хабар беради.

Covid 19 эпидемияси пайтида жамоат йиғилишларининг аксарияти тўхтаганлиги сабабли 2020 йил декабрь охирида ибодат қилиш учун ёпиган масжид 2,5 ой ўтиб жума намози учун яна ўз эшикларини очди.

Масжидга ташриф буюрган жамоат аҳли жума намозини карантин қоидаларига мувофиқ, масофа сақлаган ҳолда бир марталик жойнамозларда адо қилишди.

«Токио» масжиди имом-хатиби Муҳаммад Рифат Чинар жума хутбасини япон, араб, инглиз, турк тилларида ҳамда жума намозини жамоатга ўқиб берди.

Хуршид Маъруф тайёрлади